



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 декабрь, № 269 (8049)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.

Сеул шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, артиллериядан тўплар отилди.

Самолёт олдиди Ўзбекистон етакчисини Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Хонг Нам Ки ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари — икки томонлама учрашув ва музокаралар бугун, 17 декабрь куни бўлиб ўтади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Томорқа хўжаликларига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланди ва тараққийёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридидаги қарз маблағлари** куйидаги босқичларда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилсин:

1-босқичда — **50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридидаги маблағлар 2022 йил 1 январга қадар;**

2-босқичда — **50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридидаги маблағлар 1-босқич маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра 2022 йил 1 июнга қадар.**

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, томорқачилик лойиҳаларини кредитлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида белгиланган шартлар асосида:

а) **томорқа ер эгаларига:** қоида тарихида, **100 бош парранда, 5 — 10 бош курка, 20 бош кўён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боққичини йўлга қўйиш**, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, "дала дўконлари" қуриш, артезиан қудуқларини қазиш; **кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;**

б) **тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг** (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсиясига кўра "Томорқа хизмати" МЧЖларга **уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор** харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун **300 миллион сўмгача гаровсиз кредит** ажратилади.

Бунда "Томорқа хизмати" МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

в) етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан **2026 йил 1 январга қадар:**

томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига **омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуриштириш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи** миқдоридида, бироқ **150 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган** ҳажмда субсидия берилади;

(Давоми 2-бетда).

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ВА МУХЛИСЛАРИГА

Мухтарам юртдошлар! Қадрили бахшичилик санъати намояндалари ва мухлислари!

Барчангизни халқаро миқёсдаги катта хушхабар — шу йил 16 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлари қўмитаси томонидан Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани муносабати билан самимий муборақбод этаман.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўп миллили халқимиз учун албатта ғурур ва ифтихор бахш этади.

Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг ушбу гўзал ва бетакрор намунаси мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилди. Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлаш йўлида

беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда. Ёшларни она юртга, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни адолат ва инсонийликка чорлаш, баркамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, оқин ва жировларнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Бахшичилик санъати ижрочидан бир вақтнинг ўзида ҳам моҳир шоир, ҳам истеъдодли хонанда, ҳам уста созанда ва актёрлик маҳоратига эга бўлишни талаб этишини, бунинг учун нафақат туғма қобилият, айни вақтда юксак ижодий салоҳият, тинимсиз изланиш зарурлигини яхши биламиз.

Ўзбекистон замини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил бахши, Ислол шоир, Пўлкан шоир, Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров, Шомурод Тоғаев, Қодир бахши Раҳимов, Зиёдулла Исмолов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Абдуқаҳор ва Абдумурод Раҳимов каби ўнлаб бетакрор истеъдод соҳибларини етиштирди ва бу анъана изчил давом этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 250 нафардан ортиқ соҳа вакиллари

орасида 25 нафарга яқини "Ўзбекистон халқ бахшиси" ва "Қорақалпоғистон халқ бахшиси" унвонлари, 1 нафари "Дўстлик" ордени, 11 нафари "Шуҳрат" медали, 7 нафари "Ниҳол" мукофоти, 2 нафари "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ушбу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида сўнгги пайтда қабул қилинган Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари соҳа ривожига янги ҳаёт бағишлаганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. 2019 йил апрель ойда Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи ва жорий йил сентябрь ойда Нукус шаҳрида ташкил этилган иккинчи фестиваль минтақа ва халқаро ҳамжамият маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бахши-шоир ва оқинлар ўртасида халқаро кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда, таълим муассасаларида бахшичилик санъати сирларини ўқитиш, келажак авлодларга етказиш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, бундай кенг қўламли чора-тадбирлар

ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда республика бўйича бахшилар синфи 115 тага етиб, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони 1500 дан, ўқитувчилар сони эса 245 нафардан ортиқни ташкил этаётгани бу йўналишдаги ишларимиз кўлаמידан далолат беради.

Ҳурматли ватандошлар!

Бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган натижаларимиз ва уларнинг халқаро эътирофи бизни руҳлантириб, улкан марраларга чорлайди. Биз бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамият ҳам мадакор бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барчангизни, бутун халқимизни ушбу тарихий воқеа муносабати билан чин дилдан қутлайман.

Юртимизда бахшичилик санъати янада равнақ топсин, бахши, оқин ва жировларимизга эса жонажон Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда янги ютуқ ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

СЕУЛ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ БЮСТИ ОЧИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи воқеалари доирасида Сеул шаҳридаги Сочо тумани "Seocho-dong 1498-4" кўчасида ўзбек халқининг буюк бобокалони, давлат арбоби ва мутафаккири Алишер Навоий бюстининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ёдгорлик шаҳарнинг гавжум чорраҳасида ўрнатилган бўлиб, унинг рўпарасида Корея Республикаси Олий суди ва Олий прокуратураси биноси жойлашган. Бу ерда, шунингдек, замонавий кўп қаватли тураржой масканлари қад ростлаб турибди, савдо ва тиббиёт марказлари, кутубхона фаолият юритади.

Ёдгорликнинг умумий баландлиги 2,8 метрни ташкил этади. Хусусан, бюст 80 сантиметр, мармар устун 1,8 метр, тагкурсис 20 сантиметрдан иборат. Бюст бронзадан ясалган бўлиб, унга тилласифат ранг берилган. Устун ва тагкурсис Жанубий Америкадан келтирилган оқ мармардан ясалган. Мармар устун-

га бобокалонимиз исм-шарифи (лотин алифбосида) ва "Ўзбек халқининг буюк аждоди, адабий тили асосчиси" сўзлари корейс тилида битилган.

Алишер Навоий ёдгорлигини Сеул шаҳрида ўрнатиш лойиҳаси Ўзбекистон Президентининг буюк шоир ва мутафаккири таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги мумтоз адабиётимиз намояндасининг адабий-илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларини янада мустақамлаш мақсадида мамлакатимиз элчихонаси томонидан амалга оширилди.



БОҚИЙ САНЪАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Хушхабар

Шу йилнинг 13 — 18 декабрь кунлари Парижда ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматларо қўмитасининг XVI сессияси виртуал режимида ўтказилмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу сессия маданий ҳаётимиздаги тарихий воқеали сифатида эса қоладиган бўлди.

Туризм ва спорт вазирлиги маълумотларига кўра мазкур анжуманда халқимиз асрлар давомида асраб-ардоқлаб келётган бахшичилик санъати Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси элементлари сифатида Инсоният номоддий маданий

мероси Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Қайд этиш кераки, давлатимиз раҳбари 2019 йили Термизда ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илгор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг даври ва жамоат арбоблари, барча маданият ахлининг эзгу бурчи эканини таъкидлаган эди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси иккинчи иш куни тўғрисида АХБОРОТ

16 декабрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис "O'zbekiston" ва "UzReport" телеканаллари, Олий Мажлис Сенати расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Дастлаб сенаторлар Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботини эшитди.

Тошкент шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 87,8 триллион сўмни ташкил этиб,

ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 114,1 фоизга ўсган. Аҳоли жон бошига нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот 31,2 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган.

Бектемир, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод, Яқкасарой туманларидаги 8 та кичик саноат зонасида 1 триллион 237,3 миллиард сўмлик 582 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 239,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Бектемир, Учтепа, Шайхонтоҳур, Яшнобод, Янгиҳаёт туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар доирасида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида умумий қиймати 6,8 триллион сўмлик 120 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 11 мингга яқин иш ўринлари яратилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТОМОРҚАДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, АҲОЛИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

суб таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни сугориш учун вертикаль сугориш қудуқларини бургилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби амал қилади.

Бунда: мазкур бандда белгиланаётган чора-тадбирлар учун 2022 йилда Жамғармага Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилади; сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни сугориш учун вертикаль сугориш қудуқларини бургилаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага маблағ йўналтирилади; омборхоналарни жиҳозлаш, сотиб олинаётган қуришти, саралаш ва қадоклаш ускуналари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Лойиҳаларни ва импоррт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази ДУК томонидан хулоса бериллади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуришти, саралаш ва қадоклаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қўйидаги янги вазифалар юклатилсин:

- томорқа ҳўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда кооперация алоқаларини ташкил этишга қўмаклашиш; аҳоли хонадонларида қоида тарихида, 100 бош парранда, 5 — 10 бош қурқа, 20 бош қўён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уси боқилшини ташкил этиш; маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда "тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобил хизматлар" фаолиятини йўлга қўйиш; хонадонбўй ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда томорқа ҳўжаликларида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида маҳсулот етиштиришга иктисослаштириш; ҳар бир маҳаллада кооперация асосида парранда, қўёнчилик, қўй-эчкичилик, асаларчилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниқлаш.

5. Қўйидагилар: 2022 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган "Томорқа хизмати" МЧЖлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини сугориш учун вертикаль сугориш қудуқларини ишга тушириш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари хузуридаги Фермер ҳўжалиқларида бугалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларининг мавжуд шталлари доирасида аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича биттадан агроном шгати ташкил этилсин.

7. "Агробанк" АТБ шахсий томорқалардан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахслар учун мўлжалланган, аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини маркетплейс усулида сотишни йўлга қўйиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича онлайн маслаҳатлар кўрсатувчи махсус платформани ишга туширсин.

Бунда "Агробанк" АТБнинг платформага улуши ва хизматлардан фойдаланишни бепул қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Белгилансинки, ҳар бир туманда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор идораларнинг масъул ходимларидан иборат (иш ҳақи сақланган ҳолда) хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган доимий лойиҳа офиси ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), "Паррандасаноат" уюшмаси (Б.И.Исаев), манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиш чораларини кўрсин; икки ой муддатда ҳудуд эхтиёжидан келиб чиқиб, хонақи паррандалар насличилиги корхоналарини ташкил этсин;

2022 йилда жойлардаги эхтиёжни ўрғиниб ва ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан хонақи парранда тукумларини олиб келиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Қудибоев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда мазкур қарор доирасида ажратилган кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фўқароларга қўнўчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишларига қўмаклашсин.

10. Ҳоким ёрдамчиларига туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, томорқа ер эгалари, "Томорқа

хизмати" МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда қўйидаги вазифалар юклансин:

уйма-уй юриш орқали томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, қўчат ва дарактлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни қўлайитириш ҳолатини, ушбу қарор доирасида томорқа ер эгалари, "Томорқа хизмати" МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, мазкур шахслар ўртасидан шартнома муносабатларига риоя этилишини даврий мониторинг қилиб бориш;

томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларини хизматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада қўлайитириш.

11. Қўйидагилар: а) Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Ҳайтов, қишлоқ ҳўжалиги вазир Ж.А.Ҳоджаев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилиши бўйича ишларни манзилли ташкил этсин;

бир ой муддатда томорқа ер эгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришининг янги технологияларига ўргатиш, кооперация аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича қисқа муддатли амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш бўйича режа ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда томорқа ерларида кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дўқакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий технологик хариталарни, парранда, қўён, қўй ва эчки, асалари уларни, интенсив усулда балқ боқиш, шунингдек, ичмам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича технологик тавсияларни ишлаб чиқсин ва ушбу йўналишларда интернет тармоғи орқали онлайн маслаҳат бериб борилишини йўлга қўйсин. Тижорат банклари кредитни расмийлаштириш жараёнида қарз олувчиларнинг ҳақиқий эхтиёжини аниқлаш ва кредитни қайтариш муддатларини белгилашда технологик харита ва тавсияларни инобатга олсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), "Ўзбекчорванасл" агентлиги (Б.Т.Атамуратов), "Паррандасаноат" уюшмаси (Б.И.Исаев) билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда ветеринария хизматларини кўрсатиш ва озуқа-ем тарқатиш, аҳолини ўқитиш марказларини ташкил этсин;

Элчи Виталий Фен:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА БОШЛАНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИМИЗНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистоннинг Корей Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фен Ўзбекистон — Жанубий Корей ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари тўғрисида "Дунё" ахборот агентлигига сўзлаб берди.



— Ўзбекистон билан Жанубий Корей географик жиҳатдан бир-биридан узоқда бўлса-да, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсадлари муштарак давлатлар саналади. Икки халқнинг саноати, маданияти, миллий менталитети ва меҳнатқилишига ўхшашлик, бир-бирига яқинлик мавжуд.

Сўнги беш йил давомида Ўзбекистон — Жанубий Корей алоқалари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва сермақсад мулоқот натижасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корей Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бери 17 марта давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги — Алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Бугунги кундаги пандемия шароитига қарамай, юқори ва олий даражадаги мулоқотлар давом эттирилмоқда. Утган йили Ўзбекистон ва Жанубий Корей Президентларининг икки марта телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иқтинчи халқаро онлайн-форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Жорий йил ҳам самарали бошланди. Хусусан, январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корей Республикаси Президенти Мун Чже Ин иштирокида олий даражадаги виртуал саммит ўтказилди.

Мулоқот чоғида Президентлар Ўзбекистон — Жанубий Корей кўп қиррали муносабатларининг барча йўналиши бўйича ўзаро фикр алмашиб, саммит якунида "тўрттинчи саноат инқилоби" технологияларини илгари суриб мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоладилар.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Корей Республикаси Президентининг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоконференция шаклида бўлиб ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030" (P4G) иқтинчи мақсадлар саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақада иқлим ўзгаришлари таъсирида трансчегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик қисқараётгани бўйича хавотирда эканини маълум қилиб, "яшил тикланиш" соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган янгиланишларнинг муҳим йўналишларини қайд этди ҳамда барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун бутун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбари якунида Сеулда онлайн шаклда бўлиб ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик учинчи халқаро форуми иштирокчиларига ҳам муражаат йўллади ва бу Корей Республикаси раҳбарияти, ҳукумати ва тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Жанубий Корей Президенти томонидан илгари сурилган "Янги шимолий сийёсат"нинг мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва мазкур ташаббус доирасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир.

вазир Нозим Хусанов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигидаги делегацияларнинг учрашувлари муваффақиятли ташкил лаштирилди. Уларда икки мамлакат ўртасидаги алоҳида стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳома қилинди.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада юксак даражага кўтаришда парламентлараро яқин ҳамкорликнинг ҳам ўрни алоҳида. Апрель ойида Корей Республикаси парламенти Спикери Пак Бен Сок бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга самарали ташрифи амалга оширилди. Делегация таркибида Спикердан ташқари Жанубий Корей парламентининг давлат бошқаруви, молиявий сийёсат, саноат, савдо, энергетика, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича қўмиталарига аъзо 6 нафар депутат бор эди. Жанубий корейлик меҳмонлар Ўзбекистон раҳбари томонидан қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти хорижий давлат парламент делегациясини илк бор бундай кенгайтирилган тарихида қабул қилди. Бу эса, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг Корей Республикасида алоҳида муносабатини яна бир бор ифодаляди.

Жанубий Корей ва Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиб органлари ўртасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу йил май ойида Ўзбекистон Президентининг ҳуқуқни муҳофиза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчи-ўринбосари Донйёр Қодиров бошчилигида

пайтда ўтаётган олий даражадаги мулоқотлар олдидан катта тайёргарлик бўлди, десам, муволага бўлмайди. Чунки томонлар амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бугунги ҳолатини кўриб чиқиб, саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодийнинг рақамлаштириш, "яшил" технологиялар, илм-фан ва таълим соҳаларида янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутган ҳолда, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва Жанубий Корейнинг илгор технологияларини жалб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш долзарблигини таъкидлади. Икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан иқтисодий самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқиладиган аниқ лойиҳавий таклифлар йўналиши сурилди.

Алоҳида таъкидлашни истардим, мураккаб глобал иқтисодий вазият шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳамжамининг сақланиши таъминланмоқда. Жанубий Корейнинг етакчи компания ва банклари иштирокида умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ янги инвестиция лойиҳалари портфели тайёрланди.

Бугунги кунда Жанубий Корейнинг етакчи компаниялари томонидан юртимиз иқтисодиё-

Ўзбекистонда Жанубий корейлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 900 га яқин корхоналар фаолият юритмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан хорижилик инвесторларга яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида Жанубий Корей хусусий компаниялари, жумладан, "Samsung Group", "KIA Motors", "LG Corporation", "POSCO Group", "Hyundai Motor Group", "Lotte Group", "Korea Telecom", "KNOC" каби йирик компанияларнинг юртимизга ишончи ортиб бормоқда.

ги делегациянинг Сеулга ташрифи икки давлат ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашишига туртки бўлди.

Натижада июнь ойида Корей Миллий Полиция агентлиги (КМПА) комиссари Ким Чанг Йонг ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар натижасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва КМПА ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Жанубий Корей божхона хизмати комиссари Лим Чже Хён, Корей Республикаси Олий суди раҳбари Ким Мёнг Су, Сеул шаҳри Полиция агентлиги комиссари Чой Гван Хо бошчилигидаги делегацияларнинг Ўзбекистондаги музокаралари ҳам самарали кечди.

Бундан ташқари, шу йил 25-26 ноябрь кунлари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазир Сардор Умурзоқов бошчилигидаги делегация Сеулда бўлиб, икки томонлама музокаралар ўтказди. Ушбу ташриф давомида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корей ҳукуматлари қўмитасининг 1-йўйинлиши, ҳар икки давлат Бош вазирлари ўринбосарларининг 4-йўйинлиши, шунингдек, бизнес ва давлат корпорациялари вакиллари иштирокида давра сўхбати ўтказилди.

Сеулда бўлиб ўтган ушбу тадбирлар айни

Ўзбекистон билан "Эркин савдо тўғрисида" битим имзоланиши тўғрисида Корей Республикаси Президенти жорий йил бошида корей халқига йўллаган Янги йил табриғида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Шу пайтгача томонлар мазкур битим лойиҳасини кўриб чиқиб, айрим товарларга қўланиладиган тариф чекловларини соддалаштириш бўйича қатор музокаралар ўтказди.

Бундан ташқари, Жанубий Корей Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишида ҳам яқиндан қўмаклашиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳга Корей Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига доимий вакили Ли То Хо раислик қилмоқда.

Тоқиюда ўтказилган Олимпиадада Ўзбекистон миллий терма жамоасининг таъқовида бўйича қўлга киритган олтин медалини давлатларимиз ўртасидаги спорт соҳасида амалга оширилаётган яқин ҳамкорлик натижаси деб биламиз.

Айтиш жоизки, ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз халқлари менталитетининг яқинлиги ҳамда Ўзбекистондаги йирик корейс диспораси муҳим роль ўйнамоқда.

Тошкент шаҳрида очилган Корейс маданияти ва саноати уйи эса халқларимизнинг мустақам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга чиққанининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам корейс тили дарслари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омаллаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарориде белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида Жанубий Корейнинг Сежон институти фонди билан музокара олиб борилди ва натижада юртимизнинг яна бешта шаҳрида корейс тили марказлари иш бошлади.

Мамлакатимизда Инча, Пучон, Аджу, Ёджу университетларини филиаллари ва Фаргона шаҳрида халқаро университет очилиши давлатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли эканини кўрсатмоқда.

Ҳудудлараро яқин алоқалар ўрнаттиш доирасида Тошкент — Сеул, Фаргона — Инчон, Самарқанд — Кёнжу ва бошқа қатор шаҳарлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корей Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик алоҳида стратегик шериклик даражасига чиқди. Ўзбекистон алоҳида стратегик шериклик муносабатларини фақат Жанубий Корей билан ўрнатгани ҳам алоҳида қайд этиш ўринли.

Шу нуктага назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Корейга бошланган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқди ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чўқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради.

Ташриф чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилиб, қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

«Дунё» АА. Сеул

СЕУЛ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ БЮСТИ ОЧИЛДИ

Бюст ушбу мамлакатда ёдгорлик ва ҳайкаллар яратиш бўйича етакчи саналган "Malong Company" компанияси томонидан замонавий ҳайкал-тарошлик услубларидан фойдаланган ҳолда бажарилиди. Ушбу жараён билан боғлиқ харажатлар Жанубий Корей — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси ҳомийлигида қопланди.

Буюк бобокалонимиз ёдгорлигининг бадий савияси юзасидан Ўзбекистон Бадий академиясининг хулосаси олинди ва ушбу му-

ассаса мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

Алишер Навоий бюстининг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Жанубий Корей Демократик партияси бош котибининг ўринбосари Ли Жунг Кун, бошқа расмий кишилар, академик доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари, адабиётчилар, талабалар қатнашди.

«Дунё» АА. Сеул

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ЎРТАСИДА ИККИТА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

16 декабрь куни Сеул шаҳрида Корей халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Дастурий таъминот ва IT технологиялар парки ўртасида иккита янги лойиҳа битими имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корей Республикасига ташрифи доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда KOICA вице-президенти Им Жонг Хи, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазир Агриппина Шин, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир Шерзод Шерматов ҳамда IT Park бош директори Фарход Ибрагимов иштирок этди.

KOICA ва Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида имзоланган дастлабки "Ўзбекистонда қадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва ривожлантириш комплекс марказини қуриш орқали мактабгача таълим педагог кадрлари салоҳиятини ошириш" лойиҳаси 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, мазкур дастур учун бегараз 11 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Ушбу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад мактабгача таълим сифатидаги тафовутни билгим эйтиш орқали қисқартириш, намунавий боғчалар орқали сифатли мактабгача таълим хизмати кўрсатишидир.

Лойиҳада, жумладан, зарур ускуналар билан жиҳозланган билим маркази қуриш, мактабгача таълим педагог кадрлари учун ма-

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси иккинчи иш куни тўғрисида АХБОРОТ

Жами 911,9 миллион доллар миқдорда махсулотлар экспорт қилиниб, режа 137,2 фоизга бажарилган, экспорт географияси 80 га яқин мамлакатни қамраб олган.

Ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига асосан 221 та лойиҳа доирасида 2 триллион 946,6 миллиард сўмлик янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилган ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2,5 баробарга ошган.

Шунингдек, "Рақамли Тошкент" дастури доирасида географик ахборот-таҳлил тизими — Геоортал жорий қилиниб, унга вазирлик ва идораларнинг 30 дан орტიқ ахборот тизимлари интеграция қилинган.

Шаҳар инфратузилмаси ва давлат хизматлари сифатини таъминлаш бўйича фаол жамоатчилик назоратини олиб боровчи "Халқ назорати" портали ва унинг мобилъ иловаси ишга туширилган. Портал орқали фуқаролардан келиб тушган 3 мингдан орტიқ муаммолари масалаларнинг 2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилган.

Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш амалиги оширилиши билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Жумладан:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш бўйича 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври давомида 30 нафар мулкдорга компенсация маблағи тўлаб берилмаган; жамоат транспортининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, айниқса, аҳоли гавжум нуқталарда йўловчиларнинг бир транспортдан иккинчи транспортга қисқа вақтда хавфсиз ўтиши имкониятини яратиш мақсадида қўшимча равишда транспорт-ўтиш боғламаларини ташкил этиш зарурати мавжуд.

Қайд этилганидек, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамиятига қарашли корхоналар тасаруфидоғида автобусларнинг 16,6 фоизи (196 таси) техник носозлиги боис ҳаракат мунтазамлиги таъминланмапти, йўловчиларнинг ишончлигини кўтиб туриш вақти айрим йўналишларда 25 — 40 дақиқани ташкил қилмоқда.

Тошкент шаҳрида оқсуда суварни қабул қилиш бўйича мавжуд Салар, Бўзсув ва Бектемир иншоотларида сув тозалаш самардорлиги лойиҳа бўйича 75 фоизни ташкил этиди, бироқ бугунги кунда ушбу иншоотлар 35,5 — 51,3 фоиз қувват билан ишламоқда.

Шаҳарда қурилиш объектларининг кескин қўпайиши натижасида ҳосил бўлаётган чангларни сув сепаиб бостириш чоралари етарлича қўрилмагани атмосфера ҳавосига чангларнинг меъёрдан ортиқ чиқарилишига олиб келмоқда.

Жорий ўқув йилида Тошкент шаҳридаги 25 та умумтаълим мактаби 2,1 коэффициентдан юқори қувват билан фаолият юритмоқда, 2026 йилда мактаб ёшидаги болалар сони 496,1 мингга етиши кўтиляётганига боис янги мактаблар қуришга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар даражаси 2020 йилнинг мос давридагига нисбатан 3 баробарга ортган.

Сўнгги йилларда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши билан бирга, фирибгарлик жиноятининг янги турлари ҳам келиб чиқмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида жами 580 та жиноят содир этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 баробарга ошган.

Психотроп ҳамда қучли таъсир этувчи моддалар, назорат остидаги дори-дармонларнинг аҳоли орасида ноқонуний муомаласи кескин авж олиб бораётганлиги криминоген вазиятга жиддий таҳдид солмоқда. Ички ишлар органлари томонидан 59 та дорихонада ўтказилган тадбирлар давомида жами 66 миң дондан ортиқ турли хилдаги қучли

таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний сотилиши ҳолатлари аниқланганиги бунинг яққол тасдиғидир.

Мажлисида сенаторлар томонидан мавжуд муаммолари масалаларини ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланиб, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди ва муҳокама этилди.

Муҳокама якунида Тошкент шаҳрида ўз ечимини кўтиб турган муаммолари масалаларини бартараф этиш бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг ялпи мажлисида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, сенаторлар томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши ҳудудлар кесимида ўрганиб чиқилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида жами 18,1 триллион сўм, шу жумладан, давлат фойдасига 7,5 триллион сўм амалга ундирилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан умумий ундирув 2,3 баробарга, давлатга ундирув 2,4 баробарга ошган.

Жойлардаги давлат идораларининг амалий ёрдами билан 16 968 нафар эҳтиёжманд қарздорнинг 9 751 нафари иш билан таъминланиб, 39 нафарига имтиёзли кредит ажратилган, 366 та қарздорлиқнинг тўлаш мuddати узайтирилган, 6 та ташкилотга инвесторлар жалб қилинган.

Шу билан бирга, мажбурий ижро соҳасида айрим ўз ечимини топиши зарур бўлган масалалар ҳам мавжуд эканлиги таъкидланди. Жумладан:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўлиқ ва ўз вақтида таъминланиши;

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида қопланиши ва ушбу масалани якунига етказиш чоралари кўрилиши;

алимент қарздорлиги билан боғлиқ ижро ҳужжатларини тўлиқ ва ўз вақтида ижроси таъминлаб борилиши, шу жумладан, ишсиз алимент тўловчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилиши қабил масалаларга эътибор қаратилди.

Ўз ўрнида, сенаторлар томонидан ижро тизимига тегишли идоралар билан биргаликда ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳолда ижро тизимига фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш чоралари кўрилиши зарурлиги таъкидланди.

Маъмур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда ушбу масала парламент назоратида қолдирилди.

Сўнгра экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Очиқ ва ҳар томонлама муҳокама жараёнида ишбилармонлик муҳитини тақомиллаштириш, мамлакатимиз корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш амалга ошириляётган иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди.

Ташқи савдо ҳажмларининг изчил ўсишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар тизими асосда татбиқ этилмоқда. Хусусан, валюта сиёсати либераллаштирилиб, бир қатор маъмурий ва бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Экспорт қилинадиган мева-сабзавот махсулотларининг нархини белгилаш ва улarga ҳақ тўлашининг бозор

механизми йўлга қўйилди, экспорт қилувчилар учун қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, амалга ошириляётган ишловлар натижасида ташқи савдо ҳажмининг барқарор ўсиш динамикаси кузатиляпти. Жумладан, 2017 йилда 26,5 миллиард долларни, 2018 йилда 33,4 миллиард долларни, 2019 йилда 41,7 миллиард долларни, 2020 йилда 36,3 миллиард долларни ташкил этган. 2021 йилнинг январь — октябрь ойларида бу кўрсаткич 32,6 миллиард долларни ташкил қилган, шу жумладан, экспортга 12,4 миллиард доллар, импортга эса 20,2 миллиард доллар тўри келган.

Экспорт қилувчи корхоналар сони 5 400 га етиб, сўнгги тўрт йилда 1 891 тага (35 фоиз) ўсди, бу, ўз навбатида, 561 миллион долларлик қўшимча экспортни таъминлади.

Мамлакатимиз экспорт таркибида хом ашё улushi камайди. Жумладан, агар 2017 йилда хом ашё товарлари жами экспорт умумий ҳажмининг 25 фоизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 16 фоизга қисқарди.

Экспорт қилинадиган товарлар номенклатураси сезиларли даражада диверсификация қилинди, 2021 йилга келиб 2 365 номга етди.

Шу билан бирга, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган салбий омиллар Сенат аъзоларини жиддий хавотирга солди.

Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши ва уларнинг экспорт қилувчи корхоналар томонидан тартибга солиш таъсирини тўғри баҳолашмасдан туриб қабул қилиниши уларнинг фаолиятида қийинчиликларга олиб келмоқда.

Экспорт қилувчилар томонидан сугурта хизматларидан гаров сифатида фойдаланганда сугурта муқофотини қоплаш, шунингдек, савдо уйлари очиш ва сақлаб туриш, офис, савдо ва омборхоналарни ижарага бериш, хорижда реклама кампанияларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш механизмлари талаб даражасида ишламаётгани ҳам сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Муҳокама чоғида мамлакатда халқаро аккредитациядан ўтган, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат махсулотларини текшириш ва сертификатлаш имкониятига эга бўлган миллий лабораториялар мавжуд эмаслиги танқид қилинди.

Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг Вазирлар Маҳкамасига тегишли парламент сўрови юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисида Айдар-Арносоё қўллар тизимида юзага келаётган муаммоларнинг экология ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Айдар-Арносоё қўллар тизимининг экологик ва биологик муҳитини яхшилаш, ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш билан боғлиқ муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, "Айдар-Арносоё" қўллар тизими дирекцияси" ДУК ташкил этилиб, қўллар тизимининг қирғоқбўйи минтақаларида балиқ етиштириш парваришоналари, инкубация цехлари ҳамда балиқ ўстириш ҳавзаларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Айдар-Арносоё қўллар тизимидан фойдаланишда қатор муаммолари масалалар сақлиниб қолаётгани таъкидланди.

Хусусан, қўллар тизимининг сув ҳажми 1994 — 2000 йилларда 44,1 миллиард м³ бўлган бўлса, "Чордара" сув омборидан 2013 — 2021 йилларда қўллар тизимига сув ташланмаганига боис сув ҳажми 34 миллиард м³ гача пасайган.

Сув сатҳининг пасайиши ва сув таркибининг шўрланиши натижасида айрим қирғоқ бўйлари 15 — 50 метрга орта чекиниб, 15 — 20 см.гача туз

қатлами ҳосил бўлган. Бу эса қучли шамол вақтида тузли чангларга сабаб бўлмоқда, қишлоқ хўжалиги ерлари экин майдонлари ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қайд этилганидек, қўллар тизимида балиқчилик соҳасини ривожлантириш борасида олиб бориляётган шикан етарли даражада ташкил этилмаган.

Балиқ захираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш бўйича назорат тизими тўғри йўлга қўйилмаганига оқибатида ноқонуний балиқ овлаш ҳолатлари учрамоқда.

Қўллар тизими ҳудудидида белгиланган меъёрлар асосида балиқлантириш, балиқ махсулотларини қайта ишлаш, экотуризмни ривожлантириш, сувнинг шўрланиш даражасини юмшатиш ишлари тизимли ташкил этилмаган.

Балиқ овлаш контурларини ижарага бериш, ижара ҳақини ундириш, балиқ захираларини муҳофаза этиш, овлаш қондаларига риоя қилишни назоратга олиш, балиқ овлашда фойдаланадиган тешикларни рўйхатга олиш ва уларнинг назоратини юритиш ишлари турли давлат органларига юклатилган ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган.

Қўллар тизимидан фойдаланиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларда номувофиқлик ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларига Айдар-Арносоё қўллар тизимини муҳофаза қилиш бўйича штат бирикларни ажратилмаган.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга оидинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-банди ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Шўхрат Муҳаммадов, Махмудов, Рустам Раҳмонов, Ҳайдаров ва Джамолат Жаҳонович Чориевич ўн йиллик мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг ялпи мажлисида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасининг 2020 ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида кўмига томонидан 3 та қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилган. Хусусан, қонунлар ҳудудлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, танқидий таҳлил қилинган. Қонунлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида соҳа мутахассислари, тажрибали амалиётчилар ва жамоатчилик вакиллари жалб этган ҳолда муҳокама қилиниб, Сенат ялпи мажлисида киритилган.

Шунингдек, қарор қабул қилиш ва ижро этишининг барча босқичларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини таъкиб этишга кенг қамровли ёндашуви назарда тутувчи 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қизғин муҳокамадор асосида қабул қилинган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 22 та тадбир ўтказилган. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар рақобатлари, хотин-қизларга нисбатан таъкиб этиш ва эърознинг олдини олиш соҳасидаги қонунларнинг жойлардаги ижроси 4 мартаба, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш каби соҳаларда 7 мартаба ўрганишлар олиб борилди.

Ўтган давр мобайнида кўмига томонидан 4 316 та турли тадбирлар ўтказилган.

Кўмига ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раислари билан фаол ҳамкорлик ҳамда ўзаро мулоқот йўлга қўйилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб бориляётган кенг кўламли ишловлар, эришилган натижалар ва ўз ечимини кутаётган масалалар атрофида муҳокама қилиниб "Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли" мавзусида аёллар форумини ўтказиш аниқланган.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Йил аёли", "Гендер тенглик фаоли" миллий таълиқларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Сенатга келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жойларда аҳоли билан учрашувлар ва сайёр қабуллар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан кўмига томонидан 2 та парламент сўрови тайёрланган.

Жорий йилда кўмига томонидан Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига маҳаллардаги ҳолат, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисида масала киритилган.

Қонунлар ижроси ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонуний ҳужжатлар қабул қилиниши жараёнини ўрганиш фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда "Хотин-қизларни таъкиб ва эърознинг қиммати ҳимоя қилиш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касаллиқлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ва "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қасб-қабатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини амалга оширишга қаратилган қонуний ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда амалда қўлланилиши ҳолати мониторинг қилинди.

Кўмига аъзолари томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 17 мингдан ортиқ ёзма мурожаатлар кўриб чиқилган.

Кўмига аъзолари томонидан Сенатда ва жойларда жами 4 мингдан ортиқ фуқаролар қабул қилинган.

Ҳисобот даврида кўмига аъзолари сайловчиларни ташвишга солаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва улар ечим юзасидан зарур чоралар кўриш мақсадида ўз сайловчилари билан 562 та учрашув ўтказган.

Шунингдек, тегишли ҳудуд ва сайловчилар манфаатларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш борасида парламент назоратининг сенатор сўрови шаклидан ҳам самарали фойдаланиб, мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан 85 та сенатор сўрови юборилган.

Сенат томонидан маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш, фуқароларга давлат дастурларини оқш этиш бўйича амалга ошириляётган ишлар ҳақида маълумот бериш мақсадида телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар ва босма даврий нашрларда 12 мингга яқин материал эълон қилинган.

Муҳокама якуни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Икки кун давом этган Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қатор қонунлар

ва бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ялпи мажлиси иккинчи кунинда муҳокама қилинган масалалардан айримлари юзасидан сенаторлар ўзларининг фикрларини қуйидагича баён этди.



Экспорт ҳажми ўсишини таъминлаш учун Ҳукуматга парламент сўрови юбориладиган бўлди

Равшанбек АЛИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш, корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратиш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби оддий. Қаерда бу йўналиш ривож топса, ўша жойда тараққиёт бўлади, муҳими, одамлар тўкин ҳаёт кечиради.

Шу боис ялпи мажлисида сенаторлар томонидан экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўриляётган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳар тарафлама таҳлил қилиб чиқилди.

Келтирилганидек, ташқи савдо ҳажми изчил ўсишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга қаратил-

да. Қолаверса, экспортчи томонидан сугурта хизматларидан гаров сифатида фойдаланганда сугурта муқофотини қоплаш, савдо уйлари очиш ва сақлаб туриш, офис, савдо ва омборхоналарни ижарага бериш, хорижда реклама кампанияларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш механизмлари талаб даражасида ишламаётгани ҳам бор гап.

Шулар асосида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориладиган бўлди.

Айдар-Арносоё қўллар тизимидаги муаммолар инсон саломатлиги, экология ва қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда

Рискул СИДДИҚОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари:

— Ялпи мажлисида Айдар-Арносоё қўллар тизимида юзага келаётган муаммоларнинг экология ва аҳоли саломатлигига таъсири масаласи ҳам чуқур муҳокама қилиниб, шу юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида тўхтама келинди.

Сир эмас, сўнгги йилларда Айдар-Арносоё қўллар тизими экологик ва биологик муҳитини яхшилаш, ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар бажарилди. Масалан, "Айдар-Арносоё



қўллар тизими дирекцияси" ДУК ташкил этилиб, қўллар тизими қирғоқбўйи минтақаларида балиқ парваришоналари, инкубация цехлари ҳамда балиқ ўстириш ҳавзаларини қуриш ишлари амалга оширилди.

Аммо соҳада хали муаммолар ҳам етарли.

Хусусан, қўллар тизимининг сув ҳажми 1994 — 2000 йилларда 44,1 млрд. метр куб бўлиб, "Чордара" сув омборидан 2013 — 2021 йилларда қўллар тизимига сув ташланмаганига боис сувнинг ҳажми қарий 34 млрд. метр кубга тушиб қолган. Камига, айрим қирғоқ бўйлари 15 — 50 метрга орта чекиниб, 15 — 20 сантиметргача туз қатлами ҳосил бўлган.

Қолаверса, қўллар тизимида балиқчилик соҳасини ривожлантириш борасида олиб бориляётган ишлар етарли эмас. Балиқ захираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш бўйича назорат тизими тў

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИДА ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР ҚАТНАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Мазмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Унда депутатлар, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, хорижий экспертлар — Озарбайжон Республикаси парламенти аъзоси Саяд Каримов, Германия Федератив Республикаси истефодаги судьяси Матис Хартив, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятидан (GIZ) Йорг Пуделька ва Кристина Корс — Перконе иштирок этдилар.

Йиғилишда "Мазмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва унга киритилмаган ўзгариш ва қўшимчалар атрофида муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси шу йилнинг 24 сентябрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат мамлакатимиз ривожига, давлат органларининг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан муносабатга киришишида қўнунчиликни таъминлашда, хуқуқларини ҳимоя қилишда ва қўнуний манфаатларининг муҳофазасида муҳим ўрни тутади.

Қонун лойиҳаси мазмурий тартиб-таомилларнинг ягона хуқуқий асосларини белгилаб беради, мазмурий-хуқуқий соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилади, мазмурий органларнинг қўнуний фаолият юритишини таъминлайди.

— Лойиҳада назарда тутилган янги нормалар мазмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда хуқуқий барқарорликни таъминлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари томонидан қабул қилинадиган мазмурий ҳужжатларга ҳурмат ва ишончини кучайтиришга ҳамда мамлакатимизда инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Пойнов.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар, Адлия вазирлиги масъуллари, экспертлар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, янги ўзбекистоннинг ривожига аҳамияти тўғрисида тушунтиришлар берилди. Депутатлар томонидан берилган саволларга атрофида жавоблар олинди. Лойиҳани тақомиллаштиришга қаратилган таклифлар таҳлилий ўрганилиб, ундаги нормалар пухта-пишиқ ҳолатга келтирилиши айтилди.

Қонун лойиҳасини маромига етказиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗЛАРИГА САБАБ БЎЛГАН КАМЧИЛИКЛАР

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, кексалар ва ногиронларнинг турмуш даражасини яхшилаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди.

Назорат-таҳлил

Шу билан бирга, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисида"ги ҳамда "Ногиронлар хуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши инсон хуқуқлари соҳасида олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштирди. Ушбу муҳим ҳужжатларнинг қабул қилинишидан асосий мақсад — ногиронлиги бўлган шахслар ўзларининг хуқуқлари ва эркинликларидан камситилишларсиз фойдаланишига имконият яратиш, улар учун жамиятимиздаги мавжуд бўлган барча тўсиқларни бартараф этишдир.

Хўш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун нормалари амалиётда қандай ишламоқда? Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу Қонунда белгилаб берилган ваколатлари ва вазифаларини қай даражада ижро этмоқда? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг ижро ҳолатини Тошкент вилоятида нazorат-таҳлил тартибида ўрганди. Мазкур ўрганиш натижалари

қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Видеоконференцада шаклида ўқазилган тадбирда депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши масъуллари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Қайд этилганидек, шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари томонидан Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Тошкент ва Зангиота туманларида ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларнинг уй-жой билан таъминлаши, уларнинг тураржойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларидан монеликсиз фойдаланиши учун шарт-шароитлар мавжудлиги ҳамда ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлилий ўрганилди.

Хусусан, Чирчиқ шаҳри, Тошкент ва Зангиота туманларида ногиронлиги

бўлган шахслар ёки қарамоғида ногиронлиги бўлган фуқаролар мавжуд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан хатловлар ўтказилган. Бугунги кунга қадар ана шундай оилаларнинг 31 тасига дастлабки бошланғич тўловлар шакллантирилиб, уй-жой билан таъминланган.

Йиғилишда ўрганишдаги отуқлар билан бирга депутатлар томонидан аниқланган муаммолар ҳам атрофида муҳокама қилинди. Жумладан, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (тураржойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томоша муассасаларига) монеликсиз кириши учун шарт-шароитлар етарли даражада яратилмаётганиги депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Шунингдек, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан но-

гиронлиги бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича тақдим этилган эканлиги, объектларни фойдаланишга қабул қилишда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бېлашмалари вакилларининг давлат қабул комиссиясида иштирок этмаётганиги ҳам таъкид қилинди.

Йиғилишда шунингдек, мазкур масала юзасидан тегишли ташкилотларнинг ахборотлари аштилди. Барча тадбир иштирокчиларига ушбу Қонуннинг аҳамияти ва мазкур соҳада Ўзбекистоннинг таъминлаши муҳим бўлган халқаро мажбуриятлари таъкидланди. БМТнинг Ногиронлар хуқуқлари бўйича қўмитасида Ўзбекистон 2023 йилда муваффақиятли ҳисобот тақдим этиши учун ҳозирдан ишларни тизимли ва сифатли амалга ошириш ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Депутатлар томонидан тегишли вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликларга ногиронлиги бўлган шахсларга қўлайликлар ва меҳнат шартроитлари яратиш борасидаги ишларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган бар қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган йиғилиш якунида билдирилган фирмулоҳаза ва таклифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ



Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши нафақат аҳоли фаровонлигини таъминлашга, балки мамлакат иқтисодиётининг юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муносабат

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокама си юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур соҳани муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки баравар ошириш белгиланди.

Видеоселекторда таъкидландики, жорий йилда 18 триллион сўмлик 29 мингта лойиҳа амалга оширилиб, хизматлар соҳаси 20 фоизга ўсган бўлса-да, 5 та туман ва шаҳарда ўсиш суръати жуда кам. Бошқача ифодада, жойларда аҳолига хизмат

кўрсатиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда.

Шу боис йиғилишда хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш масалалари таҳлилий муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борада ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарурлигини таъкидлаб аниқ мисоллар келтирди ва ҳудудларнинг географик жойлашуви, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, 3 та йўналиш белгилаб олинди.

Хусусан, хизматлар соҳасини 158 та туманда ривожлантириш, сайёҳлик масканлари бор 45 та ҳамда тоғли ҳудуддаги 40 та туманда туризм хизматларини кўпайтириш, Тошкент,

Самарқанд ва Наманган шаҳарларида юқори даражада хизматларни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши айтилди. Туризм соҳаси учун махсус солиқ режими жорий этиш, меҳмон уйлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Селекторда муҳокама қилинган масалалар, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар биз, депутатларни ҳам бефарқ қолдирмаслиги шарт. Чунки бу мамлакат тараққиётида ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда устувор аҳамият касб этадиган соҳа. Шундай экан, қайси ҳудудда хизмат кўрсатиш жадал ривожланса, уша юрда кут-баракка бўлади, турмуш фаровонлиги оқсалади.

Барно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Тақдимот

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Маърифат" газетасининг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Меҳр ва маҳорат мактаби" китоби тақдими бўлиб ўтди.

МЕҲР ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Тадбирда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, таниқли журналистлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар "Маърифат" газетасининг тарихи

ва ҳозирги кuni ҳақида фикр юритди. "Меҳр ва маҳорат мактаби" китобида босиб ўтилган шонли йўлнинг ўзига хос қирралари, нашрнинг халқимизга маърифат улаштириши ўрни ва аҳамияти эътибори, ижодкорлар томонидан жонли хотиралар, фикр-мулоҳазалар асосида очиб берилгани таъкидланди.

— "Меҳр ва маҳорат мактаби" китоби тўрт бобдан иборат бўлиб, "Маърифатли устозлар" деб аталган биринчи бобда газетамизда фаолият юритган устозлар хотиралари, тилаклар жамланган, — дейди газета бosh муҳаррири Ҳусан Нишонов.

— "Халқ зиёлилари газетаси" деб аталган иккинчи боб узок йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келаятган таниқли олимлар ва фаол ўқитувчиларнинг газета ҳаёти билан боғлиқ фикрларидан иборат. "Ҳаммаимиз "Маърифатданмиз", "Маърифат" маҳорат мактаби" бобларидан эса тахририятда фаолият юритган таниқли журналистлар ва газета қошида ташкил этилган маҳорат мактаби тингловчиларининг мақолалари ўрин олган.

Таъкидланганидек, "Маърифат" жамоаси ўз овози, ўз сўзи билан жамиятнинг, кенг жамоатчиликнинг оламага теран нигоҳ билан боқиб, ҳар бир амални илм, тажриба, машварат билан бажаришга тарғиб этиш, тарбияни таълим, таълимни тарбиянинг ўқ илдизларига айлантиришдек муҳим вазифани адо этиш йўлида тер тўкиб келмоқда. Бу залварли меҳнат, айнқисса, ёш авлод онгу шуурига яратувчанлик, бунёдкорлик, масъулият ва бурч, одамлилик каби фазилатларни жо этаётгани билан қимматлидир.

Тақдимот якунида ҳар бир иштирокчига "Меҳр ва маҳорат мактаби" китоби ҳадя этилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

БОҚИЙ САНЪАТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

"Бахшичилик санъати" бўйича номинацион пакет Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси томонидан тайёрланиб, 2020 йилда Ноҳоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитасига тақдим этилди. Икки йил давомида ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси Париждаги доимий делегацияси Қўмитага аъзо давлатлар, Баҳолаш комиссияси ва ЮНЕСКО Котбияти билан ҳамкорликда мазкур элементни тарғиб қилиш бўйича фаол иш олиб борди.

Сессия доирасида Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси раиси Азиз Абдуҳакимов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси томонидан "Бахшичилик санъати" номинациясининг тақдими ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига ушбу санъат турини асраб-авайлаш ҳамда миллий ва халқаро микёсда тарғиб қилиш бўйича ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Бунда Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда бу ноҳод санъатни қайта тиклаш, жумладан, Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

2019 йилнинг апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Ҳақон цивилизациясида бахшичилик санъатининг тугган ўрни" мавзусидаги ан-

жуманинг муҳим ҳулосалари, бахшичиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги сайёҳаракатлар, шунингдек, ушбу санъат турини келажак авлодга муносиб етказиш мақсадида ихтисослаштирилган коллеж ва олий ўқув юртралида ёш бахшичиларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Баҳолаш комиссияси раиси Л. Волансканин таъкидлашича, бахшичилик санъати ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг ноёб тарихий-маданий мероси ҳисобланади. Бу санъат ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва ҳамжиҳатликка чақурувчи дostonлар, халқ ижодиёти намуналари, ривоят ва арфсоналар асосида яратилган. "Қўллаб-қувватлаш гуруҳларга тегишли бўлган элементни ижодий хусусияти ижодкорлик ва маданий хилмаҳилликка бўлган ҳурмат-эҳтиромни таъминлайди", деди у.

Тадбирда Ўзбекистон ҳуду-

дида бахшичиликнинг ривожланиш тарихини акс эттирувчи махсус видеоролик намойиш этилди.

Ноҳоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси ушбу элементни Инсониятнинг ноҳоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритиш ақламация (кенг консенсус) йўли билан ҳеч қандай дебатлар ва овозга қўйишларсиз маъқуллади.

Баҳолаш комиссияси вакилларининг фикрича, бахшичилик санъати ноёб тарихий-маданий мерос бўлиб, номинациялар тўплами ушбу миллий элементни Репрезентатив рўйхатга киритиш учун барча мезонларга жавоб беради. Қабул қилинган қарор ЮНЕСКО қўмағида бахшичилик санъатини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва тарғиб қилиш чора-тадбирларини миллий ва халқаро микёсда янада кучайтиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, "Бахшичилик санъати" Ўзбекистон Республикаси томонидан Репрезентатив рўйхатга киритилган ноҳоддий маданий мероснинг олтинчи элементи бўлди. Бунга қадар ушбу рўйхатдан "Бойсун тумани маданий макони" (2008), "Қатта ашула" (2009), "Аския" (2014), "Палов маданияти ва анъаналари" (2016) ва "Лази" (2019) ўрин олган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон бошқа давлатлар билан ҳаммуаллифликда "Шошмақом" (2008), "Наврўз" (2016) ва "Мини-аторо санъати" (2020) номинацияларини илгари суришда иштирок этди.

Келгуси йилларда "Ўзбекистон кулолчилик мактаби" миллий элементли, шунингдек, бошқа давлатлар билан "Хунармандчиликнинг анъанавий услуби" ва "Рубоб чалиш", "Марказий Осиёда анъанавий каштачилик услуби", "Хўжа Насриддин қиссаларини айтиш анъанаси" каби кўп миллатли номинацияларини Ноҳоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси муҳокамага киритиш режалаштирилган.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон нотариати:

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга хуқуқий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Эътиборлиси, бу жараёнда нотариат соҳаси нафақат қайта ташкил этилди, балки янги шакл ва мазмунда, халқаро талаблар даражасида майдонга кириб келди.

Фахр

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим асос бўлди. Мазкур ҳужжат асосида 2020 йил 1 январдан Ўзбекистонда хусусий нотариуслар фаолияти йўлга қўйилди. "Нотариус" ахборот тизими ишга туширилди. Нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларни тасдиқловчи хабарлар юбориш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмаштиш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, нотариал ҳаракатларнинг ахборот тизимида мажбурий қайд этилиши ва ҳужжат такоррланмайдиган махсус рақам берилиши суиестемолчиликларнинг олдини олмақда. Бундай муҳим амалий қадамлар натижада аҳолига нотариал хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди, соҳада қўнунчилик таъминлаши даражаси кескин ошди. Ўз навбатида, аҳолининг ҳам нотариуслардан норозилик кайфияти тарҳам топмоқда.

Соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан яхшилаб бориш учун халқаро алоқалар ривожлантирилиб, энг илгор хорижий тажрибани ўзимизда қўллашга ҳаракат қилиб келаямиз. Халқаро нотариуслар иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Қўллаб-қувватлаш нотариал ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзоланди. Жумладан, Нотариал палата томонидан Литва, Украина, Беларусь, Озарбайжон ва Қозғистон Нотариал палаталари билан имзоланган меморандумлар доирасида фаол ҳамкорлик қилинмоқда. Бундан ташқари, Италия нотариуслар миллий кенгаши, Германия нотари-



улари Федерал палатаси, Испания, Франция, Россия нотариуслари кенгаши билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Ўзбекистон Нотариал палатаси Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзо бўлиш ва мамлакат нотариатини жаҳон нотариат тизими даражасига кўтариш борасида тизимли ишларни олиб борди.

Халқаро алоқалар, халқаро ташкилотта аъзолик мамлакат нотариат тизимининг халқаро даражада фаолият кўрсатишига, фуқаролар манфаатлари учун бошқа давлатларда ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга йўл очди. Қолаверса, халқаро микёсдаги энг илгор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш учун ҳам бундай ҳамкорлик жуда муҳим. Ниҳоят, Ўзбекистон Нотариал палатаси Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзоликка қабул қилинди. Айтиш жоизки, Халқаро нотариуслар иттифоқи

Мухтасар айтганда, соҳадаги ислохотлар ва унинг халқаро микёсда тан олинishi Ўзбекистоннинг Халқаро нотариуслар иттифоқига аъзо бўлишига замин яратди. Бу сайёҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда нотариал соҳани ривожлантириш, хуқуқий хизматларни тақомиллаштириш ва уларнинг юксак савияда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Дилшод АШУРОВ, Ўзбекистон Нотариал палатаси раиси.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.